



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

2007 йил, 13 март, СЕШАНБА

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 48 (10.857)

Баҳоси эркин нархда

**ПОЙТАХТНИНГ
Бир кунни**
Янгиликлар, воқеалар

**Касба
сатрларда**

● **ШАҲРИМИЗДА** Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ташаббуси билан БМТнинг Таракқиёт дастури доирасида **КЕЧАДАН** корхоналарда корпоратив бошқарув тизимини шакллантириш масалаларига бағишланган семинар иш бошланди. Ушбу тадбир бир ҳафта давом этади.

● **КЕЧАДАН** Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Республика «Истеъдод» жамғармаси, «Камолот» ЁИХ Марказий Кенгаши ҳамкорликда иқтидорли талабалар ўртасида ташкиллаштирилган ёш олимларнинг илмий-амалий конференцияси иш бошланди. 14 мартга давом этадиган ушбу анжуман доирасида ёш олимларнинг илмий ишлар кўрик-танлови ҳам уюштирилади.

● **БУГУН** «Ўзэкспомарказ»да «Ўзўлқуриш-2007» халқаро кўргазмаси очилди. Ушбу тадбир 16 мартга давом этади.

● **ТОБОРА** яқинлашиб келаётган Наврўзга туғфа сифатида йўлсозлар томонидан Манчон Уйғур кўчасининг 10 километри қайтадан таъмирланди. Жўржоний кўчасида эса бунёдкорлик ишлари давом этмоқда.

● **КЕЧА** Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетиде сиёсатшунос, исломшунос, шарқшунос олимлар, юртимиздаги диний конфессиялар вакиллари, ёшлар иштирокида уюштирилган семинар «Ислом ва бағрикенглик» деб номланди.

● **АКЦИЯДОРЛИК** тижорат «Ўзсаноатқуришбанк»нинг Тошкент шаҳри ва вилояти бўлимлари мижозларига қўлайлик яратиш мақсадида янги омонат турлари жорий этилганлигини маълум қилишди.

● **«ШАРК»** нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси китобхоналарга Ойдин Хожиева ҳамда Гулжамол Аскарқовларнинг шеърлар тўпламларини ҳавола этди. Шунингдек, ушбу компания ижодкорлари томонидан Саъдий Шерозийнинг газаллар тўплами нашрга тайёрланди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг
Ахборот хизмати ва ўз
мухбирларимиз хабарларидан).

**ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ДИПЛОМАТИЯ
УНИВЕРСИТЕТИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ
ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ, ЮНЕСКОНИНГ МАМЛАКАТИМИЗДАГИ
ВАКОЛАТХОНАСИ БИЛАН ҲАМКОРЛИҚДА «ИСЛОМ ДИНИ ВА
БАҒРИКЕНГЛИК: ЎЗБЕКИСТОН МИСОЛИДА» МАВЗУИДА
ХАЛҚАРО ДАВРА СУҲБАТИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.**

БАҒРИКЕНГЛИК - ОСОЙИШТАДИК ОМИЛИ

Тошкент шаҳрининг 2007 йилда ислом маданияти пойтахти деб эълон қилиниши муносабати билан юртимизда амалга оширилаётган тадбирлар доирасида ўтган ушбу анжуманда тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари, мамлакатимизда фаолият юритаётган халқаро ташкилотлар ва дипломатик корпус, диний конфессиялар вакиллари иштирок этди.

Анжуманда мазкур университет ректори Х.Кароматов, Ўзбекистон ташқи ишлар вазири ўринбосари Ш.Миноваров ва бошқалар Президент Ислам Каримов раҳнамолигида истиқлолнинг дастлабки кунлариданок мамлакатимизда халқимизнинг умрбоқий аъёналари тинчлик, миллий ўзлик ва маънавиятни оқсатириш, бебаҳо маънавий меросни асраб-авайлаш ва чуқур ўрганишдек эзгу ишларга давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида эътибор қаратилаётганини алоҳида таъкидлади. Юртимизда эътиқод эркинлигини таъминлаш ҳамда диний бағрикенглик тамойиллари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда қонунларида мустаҳкамлаб қўйилган.

ЮНЕСКОнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси раҳбари М.Барри Лейн, Миср Араб Республикасининг мамлакатимиздаги Фавкулда ва мухтор элчиси Н.Иброҳим Каффофий, танкили олим Э.Ртвеладзе Ўзбекистон ҳудудида неча минг йиллар мобайнида яратилган буюк маданий ва маънавий мерос бутун жаҳон аҳлида тобора катта қизиқиш уйғотаётгани

ни таъкидлади.

Асрлар оша турли миллат ва диний конфессиялар вакиллари ўзаро тотув ва аҳилиқда яшаб келаётган мамлакатимиз дунёвий давлат бўлиши билан биргаликда ислом маданияти ва фалсафаси ривожига бемисл ҳисса қўшиб келаётган юртлардан. Мамлакатимизда ислом илми ва маданиятига бекиёс ҳисса қўшган мутафаккирларнинг меросини ўрганиш, муқаддас қадимжоларни обод этиш, қайта тиклаш ва таъмирлаш борасида амалга оширилаётган ишлар эътиборга моликдир. Шу билан бирга, муқаддас ислом динини пок сақлаш, турли ғаразли хуружлардан ҳимоя қилиш, инсонийлик, меҳр-оқибат, ҳалоллик каби олижаноб фазилатларга уйғунлаштириш кетган ислом динининг асл моҳиятини ёш авлодга тўғри тушуштириш, ислом маданиятининг эзгу ғояларини тарғиб этиш борасида кенг қўламли ишлар олиб борилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 20 февралда қабул қилинган «Ҳазрати Имом (Ҳасимом) жамоатчилиги жамғармасини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги қарори бу борадаги эзгу ишларнинг яна бир ёрқин намунаси. Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Халқаро ислом ташкилоти (ISESCO) томонидан Тошкентнинг 2007 йилда ислом маданияти пойтахти деб эълон қилиниши юртимизда маънавий-маърифий соҳада амалга оширилаётган улкан ишларнинг халқаро миқёсда тобора катта қизиқиш уйғотаётгани

Давлатимиз раҳбари Ислам Каримовнинг «Туркистон-пресс» нодавлат ахборот агентлиги мухбири саволларига жавобларида таъкидланганидек, бугунги кунда ислом динига нисбатан бутун дунёда қизиқиш ва интилиш кучайиб бораётгани ҳеч кимга сир эмас. Бунинг асосий сабаби — муқаддас динимизнинг ҳаққонийлиги ва поклиги, инсонпарварлиги ва бағрикенглиги, одамзотни доимо яхшилик ва эзгуликка қорлаш, ҳаёт синовларида ўзини оқлаш қадрият ва аъёналари аждодлардан авлодларга етказишдаги буюк ўрни ва аҳамияти билан боғлиқ.

— Ўзбекистонда қадимдан турли миллат ва дин вакиллари ўзаро аҳил ва иноқликда ёнма-ён яшаб, меҳнат қилиши таҳсинга лойиқ, — деди Ҳиндистоннинг мамлакатимиздаги Фавкулда ва мухтор элчиси Сканд Ранджан Тайал. — Юртимиздаги барқарор муҳит, тинчлик ва осойишталикнинг бош омили бўлган бу жиҳат дунёнинг аксарият мамлакатлари, жумладан, Ҳиндистонда ҳам юксак қадрланади.

Давра суҳбатида «Ўзбек халқи маданий ва маънавий қадриятларининг қайта тикланиши», «Динлар ва миллатлараро аҳиллик — жамият барқарорлигининг асоси», «Ўзбекистон диний-маънавий меросининг Германияда ўрганилиши» каби мавзуларда маърузалар тингланди ва муҳокама этилди.

Анжуманда ислом мероси ва ёдгорликларини асраш ҳамда янада бойитиш борасидаги мислсиз хизматлари учун Тошкентнинг ислом маданияти пойтахти, деб эълон қилиниши адолатли иш бўлгани таъкидланди. Зеро, Ўзбекистон пойтахти шундай юксак макомга жуда муносибдир.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Б.Абдухалимов сўзга чиқди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎЗАМ ХОРИ

Банк хизмати

АҲОЛИ УЧУН ҚўЛАЙЛИКЛАР ЯРАТИЛМОҚДА

**ЮРТБОШИМИЗ ВАЗИРЛАР
МАҲКАМАСИНИНГ ЎТган йил
ЯКУНЛАРИ 2007 йилда
ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИ
ЧУҚУРЛАШТИРИШНИНГ ЭНГ
МУҲИМ Йўналишларига
Бағишланган Маҳлисидаги
Маърузаларида Банк-Молия
Соҳасида ИСЛОҲОТЛАРНИ
ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШ ВА
КЕНГАЙТИРИШНИНГ
ИҚТИСОДИЁТНИ
РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УСТУВОР
Йўналишларидан бири
ЭКАНИНИ ТАЪКИДЛАБ ЎТДИЛАР.**

Бугунги кунда мамлакатимиз банк муассасаларида жиддий ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Уларнинг жами капитали 1 триллиондан ортади. Бу эса 2000 йилга қараганда 7,4 бараварга кўпдир.

«Пахта банк» акционерлик банкнинг Бектемир бўлими жамоаси ҳам банк фаолиятини ривожлантириш ва қўрсатилаётган хизматлар қўламини кенгайтиришда салмоқли ҳисса қўшмоқда.

Айни пайтда бу ерда 600 дан ортқ корхона ва ташкилотга хизмат қўрсатишмоқда. Уларнинг 483 таси кичик бизнес ва хусу-

сий тадбиркорлик, 61 таси қишлоқ ҳўжалиги, 14 таси савдо соҳасида фаолият юритадиган субъектлар ҳисобланади. 2007 йил бошидан буйн банкнинг ушбу тоифадаги мижозлари сони 15 тага кўпайгани бу борадаги ишларнинг самарадорлигидан дарак беради.

Бундан ташқари «Пахта банк»нинг ушбу бўлими кредитлаш, микролизинг ва микрокредитлаш бўйича ҳам ўз мижозларига (194 та) хизмат қўрсатмоқда.

— Асосий мижозларимиз — бу кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, қишлоқ ҳўжалик корхоналари ҳисобланади, — дейди «Пахта банк» Бектемир бўлими бошқарувчиси Шўҳрат Бўтаев. — Улар учун ўртача фойз ставкаси йилига 14 фойизи тақшил этади.

Мазкур банк муассасаси аҳолининг қисқа муддатли омонатларидан тўман ва шаҳарнинг ижтимоий-иқтисодий соҳасини ривожлантиришга маблағларни жалб қилиш воситаси сифатида самарали фойдаланмоқда. Булар йилига қўшимча равишда йиллик 18-22 фойз тўланадиган уч ойлик ва бир йиллик «Олтин қўз», «Омад», «Совга» ва «Саховат» омонатларидир. Бундай омонатчилар сони ўтган йилга нисбатан 1,5 бараварга ошди.

Аҳолининг бўш маблағларини жалб қилиш банкка пенсия ва нафақаларни ўз

вақтида тўлаш, кредит бериш, бошқа банк хизматларини қўрсатиш, Вазирлар Маҳкамаси фармойишидан келиб чиқадиган бошқа вазифаларни бажариш имконини беради.

Шунингдек, Бектемир бўлими кундалик ҳаётга замонавий нақд пулсиз тўлаш воситаси — пластик картчаларни ҳам самарали жорий этмоқда. Банкнинг бундай тўлов воситасига эга мижозлари сони 1100 кишидан ортди. Пластик картчалар бўйича тўлаш учун қўлайлик яратиш мақсадида тумандаги савдо ташкилотларида 33 та терминал ўрнатилган, 2007 йилда қўшимча терминаллар ўрнатиш қўзда тутилган. Бундан ташқари банк бўлимида коммунал ва бошқа турдаги тўловларни амалга ошираётган мижозлар учун барча зарур қўлайликлар, жумладан тўловларни қабул қиладиган сайёр касса ҳамда 3 та махсус кассалар тақшил қилинган.

«Пахта банк» Бектемир бўлими жамоаси кредит сиёсатини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, банк хизматлари қўламини кенгайтириш, мижозларга хизмат қўрсатиш сифатини янада ошириш ниятида.

**Усмон УСМОНОВ
СУРАТЛАРДА: «Пахта банк»нинг Бектемир бўлими фаолиятдан лавҳалар.
Муаллиф олган суратлар**



ПОЛЬША ИШБИЛАРМОН ДОИРАЛАРИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИСЛОҲОТЛАР ЙўлиНИ Қўллаб-қувватлайди

**ПОЛЬША РЕСПУБЛИКА ҲўЖАЛИК ПАЛАТАСИДА
«ЎЗБЕКИСТОН БОЗОРИ ТАВСИФИ» МАВЗУИГА
Бағишланган Брифинг бўлиб ўтди. Унда мазкур
Палата ҳамда ПОЛЬША ИШБИЛАРМОН
ДОИРАЛАРИНИНГ ВАКИЛАРИ ИШТИРОК ЭТДИ.**

Тадбир қатнашчилари Ўзбекистон Республикаси Президентини И.А.Каримовнинг 2006 йилда мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши асослари ҳамда 2007 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устуворликларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси йиғилишидаги маърузаси ҳамда мамлакатимиз сармоявий муҳити ҳақидаги маълумотлар билан атрофлича танишдилар.

Брифингда сўзга чиққан Польша Республикаси Ҳўжалик палатаси бошқаруви раиси Б.Врублевска Президент маърузасида республикада олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг ҳар томонлама таҳлили ўз ифодасини топонини қайд этди. Унинг фикр билдиришича, Ўзбекистон бугунги кунда Марказий Осиёда етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Мамлакат етакчисининг роли, аввало, Ўзбекистон намоён этаётган сиёсий барқарорлик ва иқтисодий ўсиш натижаларида кўринади. Республика ҳукуматининг иқтисодий ўзгаришларни изчиллик билан амалга ошириш, молия-бюджет сиёсатини мустаҳкамлаш ва ижтимоий ислохотларни ҳаётга тадбиқ этиш борасидаги саъй-ҳаракатлари юқори баҳога сазовордир.

2006 йилда қўлга киритилган юқори макрониктисодий қўрсат-

кичлар шундан далолат берадики, Ўзбекистонда фуқаролар фаровонлигини оширишга йўналтирилган иқтисодий устуворликларни муваффақият билан рўёбга чиқаришга имкон берадиган катта салоҳият мавжуддир. Б.Врублевсканинг фикрича, давлат раҳбари маърузасида қайд этилганидек, ўзбек иқтисодиёти экспорт салоҳияти ва рақобатбардорлигининг ривожланиши Польшанинг Ўзбекистон билан ўсиб бораётган савдо айланишида ҳам ўз аксини топтоқда.

Ўз навбатида «Польша - Шарк» ҳамкорлигини ташкил этиш Республика бошқармаси директори З.Берега Президент И.А.Каримов маърузасини шарҳлар экан, Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг ўсувчан натижаларини қўлга киритгани ҳолда нафақат 2006 йилни ижобий руҳда яқунлагани, балки 2007 йилнинг устуворликларини ҳам белгилаб олгани ҳақида тўхтади. У мамлакатда иш ҳақини ошириш ва солиқларни камайтириш, саноат ишлаб чиқариши ва транспорт коммуникацияларини янада ривожлантириш, шунингдек, хорижий сармоялар ҳажминини қўлайлаштириш режалаштирилаётгани эътиборга молик мақсадлар эканини алоҳида таъкидлади.

«Жаҳон» АА
Варшава

**XXI АСР
САДОСИ**
БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН
СЎНГГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Президентимизнинг «Наврўз умумхалқ байрамини кенг нишонлаш тўғрисида»ги Қарори бажарилишини таъминлаш мақсадида «Экосан» халқаро ташкилоти Наврўз байрамига бағишлаб «Экология ва саломатлик кунлари»нинг биринчи босқичи доирасида экологик акция ва ҳашар ташкил этди. Ушбу тадбир «Мева ва шарбат» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг Тошкент туманидаги Шредер номли боғдорчилик ва узумчилик институтида ўтказилди.

● Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат ва жамият қурилиши академиясида Республика Хотин-қизлар қўмитаси фармойишида Фарғона, Андижон ва Наманган вилоятлари шаҳар ва туман хотин-қизлар қўмиталари фаолларининг махсус ўқуви бошланди.

● Марғилон шаҳрининг 2000 йиллиги арафасида Олтиариқ туманидаги «1-қўма механизациялашган қарвон» масъулияти чекланган жамияти бунёдкорлари томонидан Марғилон-Олтиариқ катта автомобиль йўли ёқасида Марғилон тиббиёт коллежининг янги биноси бунёд этилди.

● Миср Араб Республикаси Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий Кенгаши раҳбарининг ўринбосари Али Амир Исмаил Исса бошчилигидаги делегация Ўзбекистон касаба уюшмалари фаолияти билан яқиндан танишиш мақсадида юртимизга ташриф буюрди.

● «Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармаси фаоллари Самарқанд вилояти Оқдарё ва Пайариқ туманларининг бир қатор қишлоқ ҳамда маҳаллаларида учрашувлар, суҳбатлар ўтказишди.

● Сирдарё вилоятидаги «Турон» пахта тозалаш заводи ўтган йили Боёвут ва Ховос тумани фермерларидан 22,5 минг тонна юқори навли хом ашё қабул қилиб олган эди. Хозирга қадар хом ашё қайта ишланиб, 10 минг тоннадан зиёд юқори сифатли тола тайёрланди. Шунингдек, «Малик» уруғчилик корхонасига 500 тонна сара чигит етказиб берилди.

● Ёшларнинг ҳуқуқий билимларини кенгайтириш мақсадида ўтказиб келинаётган анъанавий «Энг иқтидорли ёш истеъмолчи» кўрик-танловининг Бухоро вилоят босқичи якунланди.

● Тошкентдаги «Ўзбекистон» спорт мажмуида кикбоксинг бўйича бўлиб ўтган мамлакат чемпионатида 233 нафар спортчи гиламга чиқди.

ЖАҲОНДА

● Ироқ пойтахти Бағдодда мамлакатдаги нотинчлик муаммоларини бартараф этишга бағишланган халқаро конференция бўлиб ўтди. Унда АҚШ, Буюк Британия, Сурия ва Эрон делегацияси биринчи бор музокара столига ўтирди. Конференцияда шунингдек, БМТ Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзолари, Миср, Баҳрайн, Араб давлатлари лигаси ва Ислам конференцияси ташкилоти вакиллари иштирок этди.

● Анъанавий ойлик телечиқишида Франция Президенти Жак Ширак наватбатдаги президентлик сайловида қатнашмаслиги ва сиёсатни тарқ этишини билдирди. Айтиш керакики, Ширакнинг Президентлик ваколати жорий йилнинг 16 майда тугайди.

● Испания пойтахти Мадридда 2004 йил 11 март воқеаларига уч йил тўлиши муносабати билан қурбонлар хотирасига ёдгорлик қад ростлади.

● Исроил армиясининг капрали Гилад Шалит яқин бир ҳафта ичида гаровдан озод этилиши мумкин. Фаластин муқорратни раҳбари Махмуд Аббос Қуддусда Исроил Бош вазири Эхуд Ольмерт билан бўлиб ўтган учрашувда шу ҳақда маълум қилди.

● Эфиопияда гаровга олинган беш нафар европалик кишиларни қутқариш юзасидан амалга оширилаётган ишлар давом этмоқда. Маҳаллий махсус хизматлар вакиллари жиноятчиларнинг изига тушганини маълум қилишди.

● Россиянинг Красноярск ўлкасида ҳомиладор аёллар ўртасида «Ёш оналар — 2007» танлови бўлиб ўтди.

● Аргентина ва Бразилия ўзаро савдо-сотик алоқаларида Америка долларидан воз кечадди. Икки давлат молия вазирларининг Буэнос-Айресда бўлиб ўтган учрашувиде шу ҳақда келишиб олинди. Юқоридеги давлатлар бундай келишувга Парагвай, Уругвай ва Венесуэла лари ҳам жалб этиш ҳаракатида.

● Марокашнинг Касабланка шаҳридаги Интернет-кафедранинг биринчи портали содир этилди. Маълумотларга кўра, террорчи портловчи мосламани кийимининг ичига яшириб олиб кирган ва портали оқибатида уч киши тан жароҳати олган, террорчи эса ҳаётдан қўз юмган. Айни чоғда полиция ушбу террорчилик ҳаракати юзасидан текширув-суриштирув ишларини олиб бормоқда.

● Буюк Британия мудофаа вазирлигига тегишли бўлган Skynet 5 сўнғий йўлдоши Франциянинг Куру космодромидан фазога учирилди. Ушбу космик аппарат Британия ва унинг иттифокдошлари учун юқори тезликдаги алоқа тизимининг бетўхтов ишлашини таъминлаб беради.

ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Гидрометеорология хизмати марказининг маълум қилишича, 14 март кунни Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси ва эрталаб айрим жойларда туман тушади. Шарқдан секундида 3-8 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 1-3, кундузи 15-17 даража илик бўлади.

ТАДБИРКОР

Хукукий ҳимоя

ҲАМИША МАДАДКОРМИЗ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 2000 ЙИЛ 17 ФЕВРАЛДАГИ «КИЧИК ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИ РАҚАБАТЛАНТИРИШ БЎЙИЧА РЕСПУБЛИКА МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ КЕНГАШИ ФАОЛИЯТИНИ ФАОЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ВА 2003 ЙИЛ 27 АВГУСТДАГИ «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚАРОРЛАРИ БИЛАН АДЛИЯ ИДОРАЛАРИГА ЮКЛАТИЛГАН ВАЗИФАЛАРНИ БАЖАРИШ, ТАДБИРКОРЛАР ВА ХУСУСИЙ МУЛК ЭГАЛАРИНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ, ҚОНУНИЙ МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ БОРАСИДА ТОШКЕНТ ШАҲАР АДЛИЯ БОШҚАРМАСИ ТОМОНИДАН БИР ҚАТОР ИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛИБ КЕЛИНМОҚДА.

Жумладан, бошқармаимиз томонидан 2006 йилда тадбиркорлик субъектларининг манфаатларини кўлаб, фуқаролик ишлари бўйича ва ҳўжалик судларига жами 898 671 775 сўмлик миқдорда 246 та даъво аризаси киритилди. Шундан, ҳўжалик судига 873 211 473 сўмлик, фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судларга 25 460 282 сўмлик 127 та даъво аризалари берилди.

Киритилган даъво аризаларини туман бўйича тахлил қилинганда, 39 таси Чилонзор, 2 та Миробод, 12 та Яққасарой, 4 та Учтепа, 104 та Юнусобод, 5 та Шайхонтохур, 5 та Ҳамза, 11 та М.Улўбек, 14 та С.Раҳимов, 7 та Сергели туманлари ва 31 таси Тошкент шаҳри ҳамда 12 таси Республика миқдосига тўғри келади. Судларга киритилган даъво аризалари

идоралар бўйича тахлил қилинганда, 4 та ҳокимият, 140 та солиқ идоралари, 28 та бошқа назорат идоралари, 56 та тижорат банклари, 3 та қурилиш ташкилоти ва 15 та бошқа идораларга нисбатан киритилган даъволарни ташкил этади.

Суднинг ҳал қилув қарорлари билан 626 169 813 сўмлик 154 та даъво аризалари қаноатлантирилган. Шундан, 620 556 117 сўмлик 53 та даъво аризаси ҳўжалик суди ва 5 613 696 сўмлик 101 та даъво аризаси фуқаролик ишлари бўйича туманлараро суд томонидан ижобий ҳал этилганлигини таъкидлаш жоиз.

Бошқарма томонидан тадбиркорлик субъектларининг манфаатларини кўлаб, бевосита 187 та мансабдор шахслардан 7 375 000 сўмни ундириш тўғрисида фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судларига 99 та даъво аризалари киритилди.

Мисолларга мурожаат этадиган бўлсак, «Улўбек-Азизбек» хусусий корхонаси раҳбари Қ.Тошматовнинг М.Улўбек туман Савдо департаменти ходимларининг хатти-ҳаракатларидан норози бўлиб ёзган аризаси ўрганилиб, бошқарма томонидан фуқаролик ишлари бўйича М.Улўбек туманлараро судига 50 000 сўм миқдорда маънавий зарар ундириб беришликни сўраб даъво аризаси киритилди ва суднинг 2006 йил 14 август кундаги 1-4675/06-сонли ҳал қилув қарори билан даъво талаби тўлиқ қаноатлантирилди.

Тадбиркорлар қонуний ҳуқуқларининг ҳимояси ва амалдаги қонунларнинг жойларда тарғиботини амалга ошириш борасида ҳам режа асосида қатор ишлар бажарилмоқда. Жумладан, ходимларимиз томонидан тадбиркорлар билан жойларда 34 та семинар машғулотлари ва уршувлар ўтказилиб, уларда ишбилармонларнинг фаол иштироки таъминланди. Унинг самараси эса кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ри-

вожида яққол аксини топади.

Бундан ташқари, бошқармаимиз томонидан тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилиш учун маъмурий сарф-харажатларни камайтириш, тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишдаги бюрократик тўсиқлар ва говларни бар-тараф этиш йўли билан янада қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 24 майдаги «Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартибини жорий этиш тўғрисида»-ги Қарори ижросини таъминлаш борасида тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олишнинг хабардор қилиш тартибини тушунтириш бўйича маҳаллий давлат ҳокимияти ва тегишли бошқарув органлари ходимларини жалб этган ҳолда семинарлар ўтказилди. Бундай анжуманларда пойтахтимизнинг барча туманлар ҳокимликларининг масъул ходимлари ва тадбиркорлар иштироки таъминланди.

Бошқармаимиз ходимлари тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича ўзига юклатилган вазифаларни, белгиланган режаларни амалга оширишнинг давом эттирар экан, бу билан юртимиз иқтисодиёти ривожига уларнинг улуши ортишига, сафлари янада кенгайишига муҳим ҳисса қўйишади. Зеро, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлиқнинг жадал ривожланишини ҳар томонлама қўлаб-қувватлаш иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг муҳим устувор йўналишларидан биридир.

Илёсидин ХАЙДАРОВ,
Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси
тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя
қилиш бўлими бошлиғи
Султон ЎРИНБОВЕВ,
катта маслахатчи

Сўранг,
жавоб берамизКАСАНАЧИЛИК
БИЛАН КИМЛАР
ШУҒУЛЛАНАДИ?

Бугунги кунда касаначилик билан шуғулланаётганлар сафи ортиб бораётганидан хабардоримиз. Касаначилик асосида меҳнат қилиш дегани нима ва у билан кимлар шуғулланиши мумкин? Шохиста Рихсиева, Гулсанам Набиева, уй бекалари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 11 январдаги қарори билан тасдиқланган «Касаначилик тўғрисида»-ги нисомнинг 1-бандига асосан, касаначилик меҳнат шартномасига мувофиқ ҳисомий шахс—касаначининг яшаш жойи бўйича, ёки унга, ёхуд оила аъзоларига тегишли бўлган бошқа биналарда иш беворчининг буюртмалари бўйича товарлар ишлаб чиқариш, хизматлар кўрсатиш бўйича касаначи томонидан амалга оширилаётган иш тушунилади.

Касаначилик технология жараёни бошқа шарт-шароитлар уйда бутловчи қисмлар, ярим тайёр маҳсулотлар ва товарларнинг айрим турини ишлаб чиқариш имконини берадиган саноат тармоқлари ва хизмат кўрсатиш соҳаларида корхоналар билан уларнинг буюртмалари бўйича хонадонда маҳсулот ишлаб чиқараётган ва хизматлар кўрсатаётган фуқаролар ўртасидаги кооперация асосида ташкил этилади.

Айниқса, Президентининг 2006 йил 5 январдаги «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосида ишлаб чиқариш ва хизматлар ўрта-сида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги Фармони касаначиликнинг янада ривож топишида муҳим аҳамият касб этмоқда. Фармонда кўзда тутилган касаначиларга яратилган қатор имкониятлар аҳолини иш билан таъминлашда, қўшимча ишчи ўринлари яратилишида ҳисса бўлмоқда.

ишчи ўринлари ҳам яратилиб, бандлик масаласига ҳам муҳим ҳисса қўйилади. Энг асосий мақсад эса четдан келтириладиган қандолат маҳсулотлари ҳажмини маҳаллий ўзимизда ишлаб чиқарилган рақобатбардош товар ҳисобига камайтириш, шу орқали иқтисодиёт ривожига салмоқли улуш қўйишдир.

Шарифа ИЛЁСОВА
СУРАТЛАРДА: корхона иш
коритувчиси Фаррух Эминов
ва Гулҳаҳра Адиева; хари-
дорини топаётган қандолат маҳ-
сулотлари.

«Ташаббус — 2007» ғолиблари

МАҚСАД — ЖАҲОН БОЗОРИГА ЧИҚИШ

ТАДБИРКОРЛАРИМИЗНИНГ ИЗЛАНИШЛАРИ, РАҚОБАТБАРДОШ, ЧЕТДАН КЕЛТИРИЛАДИГАН ТОВАРЛАР ЎРНИНИ БОСУВЧИ МАҲСУЛОТЛАР ТАЙЁРЛАШ ЙЎЛИДАГИ ИНТИЛИШЛАРИ БУГУНГИ КУНДА ИЧКИ БОЗОРДА ХАРИДОРЛАРИМИЗНИ МАМНУН ЭТИШИ БАРОБАРИДА, ХОРИЖИЙ ҲАМКОРЛАР ЭЪТИБОРИНИ ҲАМ ЖАЛБ ЭТМОҚДА.

Дўконларимиз пештахталари-га бир разм солиб кўринг: бири-биридан бежирим ва чиройли қадокланган озиқ-овқат ва қандолат маҳсулотлари сизни шошириб қўяди. Айниқса, уларнинг чет давлатларда эмас, ўзимизда — маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан тайёрланаётгани тадбиркорларимизнинг маҳорати-дан дарак бериши билан бирга

жий линиялар қувватидан унумли фойдаланиб қадокланган қандолат маҳсулотлари билан таъминлашни мақсад қилди.

Хусусий корхона 2003 йилда ўз фаолиятини бир неча турдаги вафли маҳсулоти ишлаб чиқаришдан бошлаган ва 12 нафар ишчи меҳнат қилган бўлса, бугунга келиб уларнинг сафи 4 бараварга кўпайди. Албатта, бунга

— Жорий йилда ҳар қандай харидорга манзур бўладиган «CHOCOCREAM» маҳсулотимизни Қозғистонга экспорт қилишни кўзда тутганмиз, — дейди корхона раҳбари Шарифжон Иминов. — Бунинг учун маҳсулотнинг сифати, кўриниши, таъми ва қадоклашига алоҳида эътибор қаратамиз. Шунингдек, харидор эҳтиёж ва талаби асосида иш юритиб, турли ҳажмда қадоклашни йўлга қўйдик. Республикаимизнинг барча вилоятларидаги савдо шохбозчалари билан ҳамкорликда иш юритамиз. Пойтахтимиздаги «Уриқзор» бозорида савдо дўконлари фаолият кўрсатмоқда. Шуни алоҳида

очишни режалаб турибмиз. Корхонада жажон андозалари даражасидаги сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш учун замонавий линияларни ўрнатиш баробарида, уларни мукамал ишлата оладиган кадрлар тайёрлаш борасида ҳам ибратли ишлар қилинмоқда. Ҳозирда бир неча ишчи Туркияда ўз малакасини оширмоқда.

Жорий йилда ҳам янги линия билан жиҳозланган яна бир цехни ишга туширишга саъй-ҳаракатлар кетмоқда. Ушбу цехда «Труфель» шоколадининг бир неча турлари ишлаб чиқарилиб, аҳоли дас-турхонага тортиқ этилади. Шунинг баробарида қўшимча



мустақил диёримизда тадбиркорлик учун яратилган ҳар томонлама қулай шарт-шароитларнинг ёрқин кўринишидир. Ана шундай тадбиркорлардан бири, Президент соврини учун ўтказилган «Ташаббус — 2007» қўриқ-танловининг Собир Раҳимов тумани босқичи ғолиби, пойтахт босқичида эса «Энг яхши солиқ тўловчи» номинацияси соҳиби Шариф Иминов «SHARF SHIRIN» хусусий корхонасини ташкил этар экан, ўз олдига аҳоли дасурхонини замонавий технология асосида тайёрланган ва юксак унумли хори-

янги дастгоҳ ва ускуналар ўрна-тиш ҳисобига ишлаб чиқариш ҳажмининг ортиши, маҳсулот турларининг кўпайиши эвазига муваффақ бўлибди. Хитой ва Туркиядан келтирилган дастгоҳ ва ускуналарнинг самараси ўлароқ айни пайтда 27 хил шоколад ҳамда вафли, шунингдек 6 турдаги «CHOCOCREAM» маҳсулоти тайёрланмоқда. Энг муҳими эса ички бозорда харидорлар эътиборини қозонаётган ушбу қандолат маҳсулотларига Туркия, Қозғистон ва Қирғизистон давлатларида ҳам буюртмалар тушмоқда.



таъкидлашни истардимки, Президентимиз ўтган йил якуна-рига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси ййғилишидаги маърузаларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини ҳамда иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб этишни энг асосий устувор йўналишлардан эканлигини таъкидлаб ўтдилар. Биз ҳам ана шунга ўз ҳиссамизни қўйиш мақсадида Туркия ҳамда Хитой давлати-даги ҳамкорларимиз билан алоқаларини янада мустаҳкамлаб, уларнинг сармояларини жалб этган ҳолда қўшма корхона



Хунари гўзаллар

ЭРТАМИЗ ДАВОМЧИЛАРИ
УЛҒАЯДИ

БЕШИК БИР МАРОМДА ТЕБРАНАДИ. АЛЛА ОХАНГИДАН САРХУШ БЎЛИБ ОРОМ ОЛАЁТГАН ГЎДАКНИНГ ҚАЛБИГА ЯХШИЛИК ВА ЭЗГУЛИК ЁГИЛАДИ. УЙҚУ ОРАСИДА ЖИЛМАЙИБ ҲАМ ҚЎЯДИ...

Азал-азалдан аждодларимизни ўз бағрида аллалаган бешик элимизда ардоқлаб келинади. Бешиккоз хўнарамандларимиз эса ҳар бир хонадондаги гўдак учун «ором хона»-си инъом этиш йўлида изланишади. «Бешик боласи — бек боласи», деб момоларимиз томонидан айтилган нақл эса доимо оналаримиз тилида, бешиккозлик хунари эса аждодлардан авлодларга ўтиб келмоқда.

Қизчаларимиз болалигидан бешик тебрати, оналарига тақдир қилиб алла айтишади. Хонадондаги битта бешик ўнлаб болажонларни воғга етказиб, набирало эвалар хизматига ҳам бўлади. Бу борада, албатта, қўли гул бешиккозларнинг маҳорати, изланишлари самарасини алоҳида таъкидлаш ўринли. Айниқса, Истиклолимиз шарофати билан хўнараманд усталарга яратилган шарт-шароитлар, берилган бир қатор имтиёзлар миллий хўнарамандчилигимиз ривожига, улар яратган бетакор


маҳсулотларни жаҳон аҳли эътирофига сазовор қилишда низоҳатда қўл келмоқда. Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, мамлакатимизда хўнарамандлар сафи ортишида, уларнинг тадбиркорлик билан иш юритиб, миллий кадриятларимиз, шарқона урф-одатларимиз эъзозига муносиб ҳисса қўйишларида Президент соврини учун аънавий тарзда ўтказилаётган «Ташаббус» қўриқ-танловининг ўзига хос ўрни бор. Қўриқ-танловнинг туман, пойтахт босқичларида бошқа хўнарамандлар қаторида бешиккозларнинг меҳнатлари ҳам алоҳида эътироф этилмоқда.

— 9 йилдан буён ака-укаларим билан бешик ясаймиз, — дейди ушбу хўнар соҳиби Равшан Исмаилов. — Бешиккозликни падари бузрукворимиз Собитжон Исмаиловдан ўрганганмиз. Акаларим Комилжон, Расулжон, Раимжонлар билан биргаликда хўнар сир-асрорларини мукамал ўзлаштирдик. Бу йил Собир Раҳимов туманида ўтказилган «Ташаббус — 2007» қўриқ-танловида ишларимиз муносиб эътироф этилди.

— Бешик ясашда асосан нималарга эътибор қаратасиз? — деган саволимизга Равшан шундай жавоб берди:

— Аввало бешик кичикинтойнинг ором олади-ган гўшаси. Шу боис ҳам асосий эътибор бешикнинг бола ётиши учун ҳар томонлама қулай бўлишига қаратилади. Бешик ясашда бежизга тут дарахтидан фойдаланмаймиз. Чунки у мевали дарахт — фарзанд эса умримиз меваларидир. Тут дарахтининг тинчлантирувчи хусусияти бўлиб, у гўдакнинг осуда уйқусини таъминлайди. Бешикдаги турли ранглар жиқлиси, безаклар эса болани чақалоқлигидан гўзалликка қорлайди, жажжи қалбига эзгулик уруғини сепади.

Бешиккоз Исмаиловлар сулоласи юртимиздаги юзлаб, минглаб хонадонларга ўз



маҳсулотлари билан кириб борар экан, дилдаги ниятлари фақат эзгулик. У ҳам бўлса «Уйғизгидан чақалок йиғиси, гўдакнинг шодон қийиғириги аримасин», деган тилақдир.

Шарофат БАХРОМОВА
СУРАТДА: хўнараманд-бешиккоз
Равшан Исмаилов ўз маҳсулотини на-
мойиш этмоқда.
Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар

Иқтисодиёт

ДОИМИЙ
ИЗЛАНИШДА

МЕҲНАТ УНУМДОРЛИГИНИНГ ОРТИШИ, МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ ХАРИДОРГИРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ, ИЧКИ БОЗОРИМИЗДА МУНОСИБ ЎРИН ЭГАЛЛАШ УЧУН ТАДБИРКОРЛИК БИЛАН ИШ ЮРИТИШ, ЗАМОН БИЛАН ҲАМҚАДАМ БЎЛИШ ИЗЛАНИШ, КАСБ МАҲОРАТИНИ ТАЛАБ ҚИЛАДИ, АЛБАТТА.

«IRODAT-TEKST» масъулияти чекланган жамияти жамоаси ҳам ички бозоримизда ўз ўрнига эга бўлиш, буюртмачилари сафини кенгайтириб боришни эзгу мақсад қилган ҳолда меҳнат қилмоқда. Ҳозирда мазкур корхонада 50 нафардан ортиқ ишчи-хизматчилар: тажрибали, қўли гул тикувчи, дизайнчилар буюртма асосида махсус иш кийимлари тикишади.

Жамият цехларида ишлаб чиқарилаётган либосларнинг барчаси фақат сифатли, кўркам ҳамда чидамли матодан тайёрланади. Шу боис «Irodat» савдо белгиси билан тикилаётган кийимлар кўплаб касб эгаларини мамнун қилмоқда. Масалан, қўриқчилар учун секорите, меҳмонхона ходимлари, тиббиёт мутахассислари, нефтчиларга мўлжалланган мавсумий куртка, нимча, футболка, бош кийимлар ва бошқа махсус иш кийимларига буюртмалар бажарилади.

Мазкур корхона цехларида ўрнатилган Жанубий Корея, Япония давлатларининг етакчи фирмаларида тайёрланган тикув машиналари, ускуна ва дастгоҳлар тикилаётган либосларнинг сифатини таъминлашда катта ҳисса қўшади. Жамият тадбиркорлари доимий изланишда, улар янги-янги маҳсулот турларини яратиш устида ишлаб, замонавий либосларни кўпайтириш саъй-ҳаракатида.

КЎРКАМ
МАҲСУЛОТЛАР

БУНЁДКОРЛИК АШЁЛАРИГА ТАЛАБ ОРТИБ БОРАЁТГАНЛИГИ БОИС, УЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЙИЛДАН-ЙИЛГА РИВОЖЛАНТИРИЛМОҚДА, СИФАТИ ВА РАҚОБАТБАРДОШЛИГИГА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛМОҚДА.

Яқинда фаолиятини бошлаган «Sopol-koshin» шўба корхонаси «Тошкент Керамика-тажриба комбинати» масъулияти чекланган жамияти қошида ташкил этилган бўлиб, бу ерда буюртма асосида сопол маҳсулотлар тайёрланади. Барча маҳсулотлар: тувак, кўза, устун, панноларнинг нақшинкор, ёзувли, манзарали ва бошқа турлари маҳаллий хом ашёдан кўлаб жараёнлари ўз ичига олгани ҳолда ишлаб чиқарилади.

Эътиборли тоқими, ушбу маҳсулотлар сифати, кўркамлиги, об-ҳаво инжикликларига чидамлилиги ҳамда асосийси, инсон саломатлиги учун фойдали хусусиятлари билан ажралиб туради. Шу боис маҳсулотларга буюртмачилар сафи ортимоқда.

Муқаддас УМАРБЕКОВА

Транспорт

ЯНГИ
ТЕХНОЛОГИЯГА
ЖИДДИЙ ЭЪТИБОР

МОСКВА ШАҲРИДА «ЖАМОАТ ТРАНСПОРТИДА ЙЎЛ ҲАҚИНИ ТЎЛАШ ВА НАЗОРАТ ҚИЛИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТИЗИМЛАРИ» ДЕГАН МАВЗУДА ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ ЎТКАЗИЛДИ.

Жамоат транспорти халқаро иттифоқи, шаҳар электр транспорти халқаро уюшмаси, «Мосгортранс» Давлат унитар корхонаси ва «Москва метрополитени» Давлат унитар корхонаси томонидан уюштирилган бу анжуманда тошкентлик транспортчилар вакиллари ҳам иштирок этдилар.

Москвалик транспортчиларнинг орттирган бой тажрибасини пойтахтимиз транспорт корхоналарида қўллаш юзасида тадбирлар белгиланди. «Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси ушбу янги технологияларни жойларда оммалаштиришга киришди.

НАМУНАЛИ
ЙЎНАЛИШ

ПОЙТАХТНИНГ ИБН СИНО ҲАМДА «ЮНУСОБОД-17» МАВЗЕЛАРИ ОРАЛИГИДА ҚАТНАЁТГАН 82-АВТОБУС ЙЎНАЛИШИ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛГАНИГА ЎН ЙИЛ БЎЛДИ. УШБУ ЙЎНАЛИШНИНГ ОЧИЛИШИ ТИББИЁТ ШАҲАРЧАСИ ВА ЮНУСОБОД МАВЗЕСИДА ЯШОВЧИ АҲОЛИ УЧУН ЯХШИ СОВҒА БЎЛГАН ЭДИ.

Ўттиз километрлик масофани босиб ўтаётган транспорт воситаси чамаси икки соат атрофида ҳаракатланади. Ҳозир бу йўналишга «Мерседес-Бенц» русумидаги автобуслардан еттитаси бириктирилган. Уларни тажрибали ҳайдовчилар моҳирлик билан бошқармоқдалар. Уларга моҳир транспортчи Мирҳалил Умаров сардорлик қилмоқда.

«Тошшаҳартрансхизмат» уюшмасининг 3-автобус саройи тасарруфидидаги бу йўналиш 2006 йилнинг энг яхши транспортчилар жамоаси деб топилди.

КЕНГ КЎНАМЛИ
ТАДБИРЛАР

ПОЙТАХТИМИЗ ТРАНСПОРТЧИЛАРИ ҲАМ БАҲОР БАЙРАМИ—НАВРЎЗИ ОЛАМГА КАТТА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШМОҚДА: БУ БАЙРАМНИ МУНОСИБ НИШОНЛАШ МАҚСАДИДА «ТОШШАҲАРТРАНСХИЗМАТ» УЮШМАСИ БОШҚАРУВИНИНГ МАХСУС БУЙРУҒИ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ.

Унда «Тошавтотранс», «Тошэлектротранс» ҳамда «Тошпасерсервис» компаниялари ҳамда «Йўловчитаранс» марказий дирекциясига жойларда Наврўзни ўтказиш, маданий-маърифий тадбирларни режали асосда ташкил этиш вазифалари юкланди.

Ақбар АЛИЕВ

Ўлкамизда Наврўз нафаси

КЎКЛАМ — МЕХНАТ БИЛАН КЎРКАМ

ЮРТИМИЗДА БАҲОР — ЯШАРИШ, ЯНГИЛИНИШ ПАЛЛАСИ. ШУ БОИС ҲАР БИР ҚАЛБДА ЎЗГАЧА ЗАВҚ-ШАВҚ, МИЛЛАТИМИЗНИНГ АСРЛАР ОША ЭЪЗОЛАНИБ КЕЛИНАЁТГАН БАЙРАМИ — НАВРЎЗИ ОЛАМ ШУКУҲИ. КЎКЛАМ КЕЛИШИ, КҮНЛАР ИЛИШИ БИЛАН ХАЛҚИМИЗНИНГ АЗАЛИЙ УДУМЛАРИ—ОБОДОНЛАШТИРИШ, КЎКАЛАМЗОРЛАШТИРИШ, ОРАСТАЛАШ ИШЛАРИ ҚИЗГИН ТУС ОЛАДИ. ПОЙТАХТИМИЗНИНГ ЯНАДА ОБОД ҲАМДА ГЎЗАЛ БЎЛИШИДА МИРЗО УЛУҒБЕК ТУМАН ОБОДОНЛАШТИРИШ БОШҚАРМАСИНИНГ ҒАЙРАТ-ШИЖОАТЛИ ИШЧИ-ХИЗМАТЧИЛАРИ ҲАМ МУНОСИБ ҲИССАСИНИ ҚЎШИШГА ИНТИЛМОҚДА.

Маъкур бошқарма жамоаси кўкламги ишларни белгиланган режа асосида, уюшқоқлик билан бажаришга астойдил бел боғлашган. Ҳозирги кунда 260 нафар ишчи-хизматчилар биринчи навбатда асосий эътиборни марказий кўчалар, ҳадемай одамлар билан гавжумлашадиган хиббон, шох-бекат, бекатларни орасталаш, тартибга келтириш ишига қаратмоқда. Шунингдек, манзарали, ҳавони тозаловчи мевали дарактлар ўтказиш, ўтган йилларда экилганларнинг тагини юмшатиш, шакл бериш, қуриган шох-шаббаларни олиб ташлаш, оқлаш юмушларини бажариш ҳам ободончилар зиммасида.

— Кейинги йилларда жамоамиз туманимиздаги ҳар бир кўча, хиббон, майдонларнинг ўзига хос томонлари, — дейди Мирзо Улуғбек туман ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи Шавкат Файзиев, — масалан, кўшга қараган ёки салкинлиги, ҳажми, узунлиги, умуман жойлашувига жиддий эътибор қаратган ҳолда муайян турдаги манзарали, узок йиллик, мевали, экологияга таъсир кўрсатувчи дов-дарактлар, анвойи, гўзал манзара

берувчи гулу чечаклар экишни йўлга қўйган. Шунини алоҳида таъкидлаш ўринлики, ободончи, кўкаламзорлаштирувчиларимиз, кишининг ҳар бир илқ кунидан фойдаланиб, меҳнат қилишди. Уларнинг заҳматли меҳнатлари самараси ўзини куттириб қўймайди, ҳадемай Наврўзи олам ўз сепини йиғида пойтахтимиздаги дарактлар, гулу чечаклар ажиб манзара кашф қилади.

Тумандаги Буюк Ипак йўли, Пушкин, Ҳабиб Абдуллаев, Солиқ Азиев, Мусахонев марказий кўчаларига Сурхондарёдан келтирилган игна бағли арчалардан 13 мингта экилди. Бу мавсумда жами 25 мингта манзарали ва мевали дарактлар ўтказилиши режаланган. Март ойининг охирида тумандаги иссиқхоналардан ҳамда манзарали боғдорчилик ва гулчилик давлат хўжалигидан келтирилган бир йиллик шафран, тагедис, цения, петунья, катарантус, гултож, канн каби бир-биридан қиройли, турли ранг ва шамойилдаги гуллар экилади.

Ободончилар ва маҳаллалар аҳолиси, қорхона ташкилот, таълим масканлари жамоала-

ри томонидан шанба ва яшанба кунлари ўтказилаётган хашарларда ариқ, зовурлар ҳамда ирригация шохобчалари тозаланиб, атроф саранжом-саришта қилинмоқда. Чи-

хашарлари боис, кўплаб турдаги мевали дарактлар ўтказилди. Аввал экилган дарактларнинг тағлари юмшатилиб, кўчалар орасталанди.

Яқинлашиб келаётган Наврўзи олам байрами шодиёналари арафасида туманни безаш учун керакли бўлган пла-



киндилар эса ободонлаштириш бошқармаси тасарруфидаги 12 та транспорт воситалари ёрдамида шахар ташқарисига олиб чиқиб кетилмоқда. Масалан, Амир Темури, «Оқибат», «Гулистон», «Олимлар» каби маҳаллалар аҳолиси уюшқоқлик билан ўтказган

кат, панно, байроқлар ҳам тахт қилиб қўйилган. Хулоса қилиб айтганда «Кўклам — меҳнат билан кўркам», деб халқимиз беҳиж айтмайди.

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА СУРАТДА: туманда Наврўзи олам байрамига тараддуд қизгин кечмоқда




Тадбирлар

КИТОБ — КҮНГИЛ МУЛКИ

ИНСОННИНГ ТАФАККУРИНИ ЧАРХЛАЙДИГАН, ОНГИГА РУҲИЙ ОЗИҚ БЕРАДИГАН, ДИЛИНИ ҲАР ҚАНДАЙ ДАРДУ ҒУБОРДАН ТОЗАЛАЙДИГАН, ҚАЛБИНИ НУРАФШОН ЭТАДИГАН КИТОБ ҲАҚИДА ҲАР ҚАНЧА ЁЗАК ҲАМ КАМ. НЕГАКИ АНА ШУ КИТОБЛАР ДУНЁСИ ТУФАЙЛИГИНА ОДАМЗОТ ЭНГ ОЛИЙ ЧЎҚҚИЛАРНИ ЗАБТ ЭТИБ, ИЛМ-ФАН ДУНЁСИДА ЯНГИЛИКЛАР ЯРАТАДИ, ИЗЛАНАДИ ВА КАШФИЁТЛАР САРИ ИНТИЛАВЕРАДИ.

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Болалар кутубхонасида «Китоб — кўнгили мулки» деб номланган тадбир бўлиб ўтди. Уни «Ўқитувчи», «Чўлпон» ва «Янги аср авлоди» нашриётлари, Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги ҳамкорлигида ташкил этилди. Тадбирда нашриётларда чоп этилаётган ривожлантирувчи ва ўргатувчи, энциклопедик ва оммавий, библиография, эсдаликлар, услубий адабиётлар, янги технологиялар бўйича китоблар ва СД дисклар, услубий қўлланмалар, бадий адабиётлар, эртақлар ва дарслик китоблар ҳақида сўз борди.

— Кутубхонамизда доимий равишда маънавий-маърифий, илмий-амалий анжуманлар, учрашувлар, давра суҳбатлари, танловлар ўтказиб бормоқдамиз, — дейди Ўзбекистон Республикаси Болалар кутубхонаси директори Фотима Бухарова. — Ҳар бир тадбир доирасида биринчи ўринда ўқувчиларнинг истақ ва хоҳишлари, қизиқиш ва интилишлари, орзу ва умидлари инобатга олинган ҳолда



бора юксалиши асосий мақсад қилиб олинади. Истагимиз бугунги ёшлар эртанги кунимизнинг мард, билимдон, доно фарзандлари бўлиб етишсинлар.

Шунингдек, тадбир доирасида юқорида тилга олинган нашриётларнинг вакиллари, профессор ва ўқитувчилар ҳам сўзга чиқиб бугун-



иш юритилади. Бунда кутубхонамиздаги ҳар бир бўлим ўз иш режасига қатъий амал қилган ҳолда, вазифасини сидқидилдан бажаради. Бугунги тадбир эса ёшларнинг китобга бўлган меҳрини янада оширишга қаратилган. Шунингдек, нашриётлар билан алоқаларимизнинг янада мустаҳкамлашишида муҳим аҳамият касб этади. Олиб бораётган тадбирларимиз замирида, келажакги порлоқ ёшларимизнинг камолоти, онг ва тафаккурининг ривожланиши, онг ва тафаккур билан алоқаларимизнинг янада ортishi, қадриятларимиз ва аъналаримизга содиқлик ҳиссининг то-

ги кунда нашр қилинаётган янги асарлар, дарсликлар ва уларнинг савияси, безатилиш усуллари, ёшларни китобга жалб қилишнинг асосий йўллари, китобларнинг ҳаёtgа ва ёшлар тарбиясига, онгига таъсири хусусида сўзлашди.

Анжуман сўнггида нашриётлар ўзлари билан олиб келган янги нашрдан чиққан китобларини кутубхонага совға тариқасида топширадилар.

Гулчехра ДУРДИЕВА СУРАТЛАРДА: тадбирлар лавҳалар.

Наталья Семёнова олган суратлар

СОВҒА — ДИЛ РАМЗИ

Аёллар байрами яқинлашгани сари Камбаралининг юрагига гулгула тушди. Ҳамени кўтарганига яраша кўримли, лекин арзон-гаров совға олиш мақсадида уч-тўрт кун олдиндан дўконларга кириб айланиб юрди. Сабаби совға масаласида бир марта унинг оғзи қуйган. Кўз очиб кўрган биринчи хотинидан мана шу совға машинаси туфайли ажралишган.

Ҳали эсида. Ушанда аёлига яхшигина бир кўйлак ҳада қилганди. Аммо бу совға Ибохонга ёқмади. Кўйлакни очиб кўрди-ю, энсаси қотиб уни столга ташлади.

— Яхшики байрам йилда бир марта келади. Шунда ҳам кўзим тузукроқ совға кўрмайди. Ахир ҳар кун, кун ора аёлига, ҳатто кўчадаги жазманига кўша-кўша совға тутаетганлар ҳам сиздақа эркакларку. Баҳоим шу қадар пастми? Мен кимман ўзи, хотинингизманми ёки чўрингизми? Ҳаммаша шунақа қиласиз. Ҳаммасига чидаб келдим. Бу сафар жонимдан ўтиб кетди. Энди бас, олинг совғангиз ўзингизга буюрсин. Мени ҳам қадрлаб, тузукроқ совға қиладиганлар топилиб қолар.

— Нима қил дейсан ахир. Пулимга яраша олдим-да. Майли ойлик олай, ўзинг истаган совгани олиб бераман. Кел, энди хафа бўлма. Ибохон аччиқ-араз билан ичкари кириб кетди. Кўп ўтмай кийинги чикди-да, кўча эшик томон юрди.

— Қаёққа кетяпсан? — ҳайрон бўлиб сўради Камбарали.

— Энди бу уйни елкамнинг чўқури кўрсин. Ортиқча гапга ўрин йўқ эди. Камбарали индамади. Кетса-кетар, икки-уч кундан кейин ўзи

ЗИЙРАК БОБО ШАҲАР КЕЗАДИ

қайтиб келади деб ўйлади. Йўқ, Ибохон у ўйлаган муддатда қайтиб келмади. Камбарали кута-кута тоқати тоқ бўлиб хотинининг эшигига ўзи бош уриб борди. Ота-онанинг раёйига ҳам қарамай, Ибохон «Мени қадрим йўқ ўша уйга бормайман» деб туриб олди.

Камбарали ночор уйига қайтди. Орадан маълум фурсат ўтказиб борганида Ибохондан янги гап эшитди.

— Судга бердим. Ажралишаман сиздан. Бу сўздан Камбарали лол бўлиб қолди. Йўқ, ўйларди у, битта совгани деб бунчаликка бормасди, демак менга кўнгли бўлмаган. Совға унинг учун бир баҳона. Начора, ялинишдан фойда йўқ. Билганини қилсин.

Эр ҳам тўнини тескари қийди. Ибохонга гап-сўзлар қор қилмади. Ниҳоят улар ажралишди.

Орадан йил ўтиб Камбарали ўзи билан бир қорхонада ишлайдиган Саодат исми аёлга учланди. Саодатхон саодатли экан. Ибохон у йилда ҳам эрига ҳада қилмаган фарзандни у йил ўтиб туҳфа қилди. Кичкинтойнинг дунёга келиши эр-хотиннинг меҳр илларини янада бир-бирига маҳкам боғлади.

Байрам яқинлашиб Камбарали совға тарадудига тушиб қолди. Нима совға қилсам экан? Шу ҳаёл уни уч-тўрт кун тарқ этмади. Дўконларни кидириб мўлжалдаги совгани тополмади. Ниҳоят Саодатхоннинг ўзи билан маслаҳатлашишни маъқул кўрди. Кечки пайт шу ҳақда аёлига сўз очди.

— Вой адаси, шуни ҳам сўраб ўтирасизми? Сиз нимани маъқул кўрсангиз шу менга ёққанида.

— Ҳарқалай ўзинг маъқул кўрган нарсани айтсанг яхши эди-да.

— Турмушимиз ўзимизга маълум. Яқинда болалик бўлди. Фарзандимиз хурмати узок-яқинларни тўплаб унча катта бўлмаса ҳам ақика тўйи ўтказдик. Йўқан-терганимиз шунга кетди. Агар мен сизнинг ўрнингизда бўлсам сўраб ўтирмасдим. Бир даста гул келтирардим. Гулдан яхши совға борми, адаси. Гул — муҳаббат рамзи, Қолаверса совғаннинг катта-кичиги бўлмайди.

Камбарали аёлининг айтганини қилди. Кечқурун уйига бир даста қиройли гул кўтариб келганда Саодатхон уни ял-ял очилиб, сочилиб кутиб олди.

ҲАЁТ ПАЙТИДА ҚАДРЛАНГ

Холмат ака билан Жўравой акалар девор-дармиён қўшни. Йиллар ўтибдики, бу икки қўшни ўртасида девор жанжали. Холмат ака девор сўз томонга ярим метр ўтиб кетган деса, Жўравой ака унинг ақсини айтади. Ким ҳақ, ким ноҳақ бизга қоронгу. Бир неча бор маҳалла ахли, фаоллар аралашиб уларни муросага келтиришмоқчи бўлишди. Лекин ҳаммаша икки томон ўзиникини маъқуллаб тураверди. Бир кун Жўравой ака Холмат аканинг уйида йўқлигидан фойдаланиб деворни буздириб ярим метр наридан уни қайта тиклайди. Эртасига Холмат ака уруш-жанжал билан деворни бузиб яна эски жойидан олдиради.

Кунда, кунора бўладиган бу жанжалдан қўшнилар безор. «Кўйинглар, инсофга келинглар, қўни-қўшинчилик минг йилчилик» дейишди. Аммо бу гапларга улар қулоқ солишмайди.

Шундай кунларнинг бирида Жўравой ака юрак хуружидан тўсатдан вафот этади. Шу кун Холмат акани кўрганлар хайратдан ёқа ушлайдилар. У югуриб-елиб хизмат қилар, худди қўшини билан эски қадрлардек, ораларида ҳеч гап ўтмагандек ҳамма нарсасига бошқоқ эди.

Дафн маросими ниҳоясига етгач Холмат аканинг издиҳомга қарата: «Биродарлар, айтинглар, Жўравой дўстимиз қандай одам эди» деган овози янгради. Унга жавобан ҳамманинг «яхши одам эди» деган жўр овози эшитилди. Йўлда Холмат ака билан ёнма-ён бораётиб

сўрадим.

— Ишқилиб, қўшингиз билан ярашиб, рози-ризолик тилашиб олганмидингизлар?

— Йўқ, — деди Холмат ака маънос, — лекин мен ундан мингдан мингга розиман. Ахир ўлган одамни кеңирмаслик бориб турган нодонлик эмасми?

Бу гап бизни ўйлантириб қўйди. Тавба, нега биз кўпинча инсоннинг тирикчилигида қадрига етмаймизда, ўлгандан кейин имкон борича унга иззат-икром кўрсатишга ҳаракат қиламиз. «Ўлдинг, азиз бўлдинг» деганлари шумикан? Барибир, ҳарна бўлганида ҳам инсонни тирикчилигида авайлаб-асраганимиз, қадрига етганимиз афзал.

ЁШЛИКНИНГ ҚАДРИГА ЕТИНГ

Ҳаёт ҳар бир кишига улкан ва бебаҳо туҳфа инъом этади. Бу куч-қувватга тўла ёшлик, билим ва курашга чанқоқлик, ишонч ва орзу-умидга тўла ўспиринликдир. Агар ёшлик орзу-си бўлмаганида инсон ҳаёти бир нуқтада тўхтаб қолган бўларди. Кўпгина улғ ўғлар хаёлла-раст ёшликнинг бегубор палагида ниш урганлигини унутмаслигимиз керак.

Ҳаётда ёшларга панду насихат қилаётган кекса кишиларни кўрсан Лукмон Ҳакимнинг қуйидаги сўзлари ёдимга тушади.

Ундан сўрадилар:


— Насихатларингизнинг кўпи ёшларга оид, аммо ёши катталарга камроқ бўлади, бунинг сабаби нима?

Ҳаким шундай жавоб берди:

— Боғбон ерни юмшатиб, бир даракт кўчани ўтказиб, унинг атрофини хас-хашакдан, зарарли ёввойи ўтлардан тозалаб, керак бўлган вақтда сув бериб турса, умуман, яхши диққат қилиб тарбияласа, тез вақтда даракт воғга етади, унумли ҳосил беради. Бола ҳам ёшлигидан бошлаб яхши тарбия қилинса, гўзал хулқли, одобли бўлиб ўсади. Шундай бола ота-онасига бахт-саодат келтиради. Жамиятнинг энг фойдали аъзоси бўлиб етишади. Шунинг учун ҳам мен ёшлар тарбиясига кўпроқ аҳамият бераман. Насихатларимнинг кўп қисми ёшларга оид бўлишининг сабаби ана шунда.

Ўйлаймизки, бу гапларга изоҳнинг ҳолати йўқ.

САҲОВАТДАН ЧЕТДА ҚОЛМАЙЛИК



Мамлакатимиз пойтахти—Тошкент шаҳрида жойлашган, халқимиз маънавий меросининг узвий бир қисми бўлган Ҳазрати Имом (Ҳасимом) меъморий мажмуасида қурилиш, таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларини амалга ошириш мақсадида «Ҳазрати Имом (Ҳасимом) жамоатчилик жамғармасини қўллаб-қувватлаш тўғрисида» Президентимиз томонидан қабул қилинган Қарор бўтун ҳамюртларимизнинг кўнглиларини хушқўб этди. Зеро, ушбу Қарор муқаддас ислом дини ва фалсафасини, унинг инсонпарварлик ғояларини кенг ёйишга хизмат қилиб келаётган иш-риқ илмий-маърифий марказнинг аср тарихий қиёфасини тиклаш, бу ерда кенг қўламли қурилиш-таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларини амалга ошириш, мажмуанинг инфратузилмасини ҳар томонлама ривожлантиришда муҳим ўрин тутайди.

Ўйлаймизки, мамлакатимизда бу улғ ва савобли ишга ўз ҳиссасини қўшиш ниятида бўлган инсонлар, қорхона, ташкилот ва муассасалар, тадбиркор ва ишбилармонлар қўллаб топилади.

Биз газетамиз орқали ана шундай саховатпешаларга

ҲАЗРАТИ ИМОМ (ҲАСТИМОМ) ЖАМОАТЧИЛИК ЖАМҒАРМАСИНИНГ ҲИСОБ РАҚАМЛАРИНИ МАЪЛУМ ҚИЛАМИЗ:

СТИР: 206849483

МФО: 00423

Х/р: 20212000604589442001

АТИБ Ипотека банки Меҳнат филиали.



МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

Нафс хоҳишини деб қайғу чекиб, ўзингни ҳам, мулкингни ҳам хароб қилма.

Одам ўлгон зеби зоҳирдин демас, Кимки ондин фахр этар, одам эмас.

Ҳақиқий инсон ташқи томонга қараб баҳо бермайди. Юзаки томонгагина қараб, мақтанувчи кишини одам деб бўлмайди.

Одамки, демак бирла киромидур бас, Сўз дурри ишнинг интизомидур бас.

Кишининг иззатли бўлиши сўз биландир, бас, ишининг тартибли бўлиши ҳам сўз натижасидир.

Одамий эрсанг, демагил одами Ониким, йўқ халқ ғамидин ғами.

Агар сен одам эсанг, халқ ғамидан ғами йўқ кишини одам ҳисоблама.

Ойини таҳаммулда тавонолик эрур, Юз чекмоқ ила кишига зеболик эрур.

Бой-бадавлат бўлиш сабру чидамни тақозо этади. Киши заҳмат чекиш билан камол топади.

Олам элига ҳаёт эрур тузлуқдин, Етмак ғаразига бот эрур тузлуқдин.

Дунё халқининг саломатлиги тўғрилиқдан, мақсада тез эришиш ҳам тўғрилиқдан (бу ерда «тўғри чизиқ энг яқин йўл» деган ҳандаса қоидаси ҳам кўзда тутилди).

Олам аҳли, билингизким, иш эмас душманлиг,

Ёр ўлунг бир-бирингизгаким, эрур ёрлиғ иш.

Дунёдаги кишилар, бир-бирларингизга душман бўлмагиз. Бу иш эмас, ҳаммангиз бир-бирларингизга ёру дўст бўлингизким, ҳақиқатда иш шулдир.

Оламда дўстлик киши душмансиз бўлмайди,

Ва аҳоблиқ одами адувсиз бўлмайди.

Кишининг дўсти бўлса, душмани ҳам бўлади.

Олмоқ эрур қасд анга, бермоқ ғараз, Бул ҳам ул иккидек эрур бир мараз.

Бировга бериш мақсадида бошқа бировдан олиш ёмон қилиқлардан саналган исрофгарчилик ва бахилликка ўхшаб ёмон касалдир.

Олим ул итким, нажас ул-лайн эрур, Ўғлунга, жадл ўлса, ажаб шайн эрур.

Энг тубан маълук ҳисобланган ит олим бўлганда (ов овлаш ва бошқа бир қанча вазифаларни ўрганганда) ўғлингни жоҳил қолишидан ортиқ хунук бир иш борми?

Омий табиким, эрур шогирди жаллод, Ул тигу бу захр била қилғучи бедод.

Билимсиз табиклар жаллоднинг шогирдидир, жаллод тиг билан ўлдирувчи золим бўлса, табик захар билан ўлдирувчи золимдир.

От анга тортарки, юз илкиси бор, Сийм анга берурки, юз илкиси бор.

Юзлаб йилқиси бор кишига от миндириш, юз йиллик озиғи бор кишига қумуш инъом қилиш нимага керак?

Оз иш учун тунду итот айлама, Катлу сийсатда шитоб айлама.

Арзимаган нарсаси учун ғазабланма ва қийнама. Айнисига, ўлдиришга шошилма.

Олам аро халқни Яздони пок Аҳли наҳот этти-ю, аҳли ҳалок

Худди таоло оламдаги барча одамларни иккига—наҳот топадиган ва ҳалокатга учрайдиганларга ажратиб қўйган.

Они доғи дема сахийким, киши То тиламас бермак эмасдур иши.

То сўрамай туриб бермайдиган кишини ҳам сахий ҳисоблама.

Ошиқ ани билки, эрур дарднок, Ҳам тили, ҳам кўзию ҳам кўнгли пок.

Ўзи дардли, кўзию, тилию дили пок кишини ошиқ деб бил.

Ошиқки, муроди ҳам бўлғай, Ошиқлик анга қором бўлғай.

Ҳисоб-китоб билан яхши кўрадиган кишига ошиқлик ҳаром.

Одами бўлса вафо андин йирок, Ит вафо бобиди андин яхшироқ.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

Сўранг, жавоб берамиз

ДЕПАРДЬЕ РЕКЛАМАДА СУРАТГА ТУШГАНМИ?

Франция кино санъатининг энг ёрқин юлдузларидан Жерар Депардьё Россия кетчупи рекламасида суратга тушганми. Айтишларча, унга катта пул ваъда қилинган экан. Шундай улкан санъаткор ҳам пулга мухтож эканмикин-а?

Соҳиб Фахриддинов,
Миробод тумани.

"АиФ" мухбирлари аниқлашларча, ўша машҳур "Граф Монте-Кристо" фильмининг бош қаҳрамони Эдмон Дантес ва ўнлаб бошқа қаҳрамонлар образини қийилмақом қилиб ўйнаб, барча қўтқаларда кино ишқибозлари қалбидан чуқур ҳай қилган буюк санъаткор ҳақиқатан ҳам Россия рекламасида суратга тушган экан.

Журналистларнинг таъкидлашларча, ваъда қилинган гонорар жуда залворли бўлгани учун ҳам Депардьё кетчупни реклама қилувчи роликда қатнашишдан воз кеча олмаган кўринади. Дарвоқе, унинг бу иштироки нақ ярим миллион долларга баҳоланган экан.

Ушбу рекламада тушиш учун Депардьё Тарас Бульба ролини иккунга Киевдаги киносъемкалардан бўш вақтини таллашган. Шунда ҳам фақат ишдан кейинги дам олиш пайтларидагина реклама махсусоти тейёрлаш жараёнида қатнашганга рози бўлган.

САРФ-ХАРАЖАТ БЎЙИЧА РЕКОРД

Катта санъаткорлар, миллиардер олигархлар битта тўйга миллионлаб доллардан пул сарфлаётганмиш. Балки улар пулларининг кўпчилигидан уларни қаерга қўйишни-ю, қандай сарфлашни билишмаётгандир? Шундай дабдабининг кераги бормикин ўзи?

Шухрат Олимжонов,
Мирзо Улуғбек тумани.

Ҳақиқатан ҳам шоу-бизнес ва тўғри бизнес юлдузлари, тўйларига ким кўпроқ пул сарфлашга гўё ўзаро мусобақалашаётгандай тасаввур туғилади. Шундай тўйларни кузатар экансиз, уларнинг эгалари кимўзарга бахшланишганини кўрасиз. Лолита Милевскаянинг никоҳ тўйи 1 миллион долларга тушган бўлса, Мадоннанинг тўйида 4 миллион доллар сарфланган.

Америкалик миллиардернинг шохона никоҳ тўйи нақ 5 миллион долларга тушган. Тўйлардаги сарф-харажатлар бўйича ҳеч ким ета олмайдиган рекорднинг россиялик миллиардер — МДМ-банкнинг эгаларидан бири Андрей Мельниченко қўйган. Унинг никоҳ тўйи Мовий қирғоқ поместье-сида ўтиб, 250 нафар сара меҳмонлар вақтини чоғ қилишда Кристина Агилера, Уитни Хьюстон, Хулио ва Энрике Иглесиаслар хизматда бўлишган. Бу тўйга 15 миллиондан 35 миллион долларгача сарфланган тахмин қилинмоқда.

БОЛАЛАРНИ СОҒЛОМ ЎСТИРИШ МУМКИНМИ?

Чакалоқлар туғилиши ҳар қандай оилага олам-олам қувонч келтиради. Лекин болажонлар бетеб бўлиб қолганда ота-она ўзини қўйга жой топпалай қолади. Ахир мурғак гўдакнинг азият чекаётганига бепарво қараб бўладими? Шундай вақтларда болаларни касал қилмай ўстиришнинг иложи йўқмикин, деб ўйлаб қолам. Чиндан ҳам болаларни шу нохушликлардан холи ўстириш мумкин эмасмикин?

Замира Тўлаева,
Учтепа тумани.

Шуни айтиш керакки, бу масала тиббиёт олимларини бутун дунёда бош қотиришга мажбур қилиб келмоқда. Чунки, буюк Британия олимлари томонидан ақинда минглаб болаларда касалликнинг ривожланиш хавфини бартараф қиладиган янги экспресс-анализ ишлаб чиқилган.

Спектрометрияга усули сарик сув йиққан усимтали фиброз қўриқчилигида генетик нуқсонга эга бўлган минглаб аёллар эндиликда ўзи муаммоларини наслларига ўтказишмайди, деган маънони англатади. Мерос қилиб олинган ва турли оилаларда турлича бўлиши мумкин бўлган касаллик билан боғлиқ "нуқсонли" гени ишлаш ўрнига янги тест ҳамшира шундай генлар ёнида учрайдиган "маркерлар"ни қидириб топади.

Бу ноёб технология жиддий генетик касалликларни наслларига ўтказиши хавфи бўлган кўплаб оилавий ҳуфтликларга мутлақо соғлом фарзандлар қўриш имконини беради. Мазкур тест спектрометрия ёки экранлаштириш мавжуд усулларининг турли хил элементларини ўзида мўжассам этади. Ушбу анализ Буюк Британия соғлиқни сақлаш вазирлигининг Лондондаги Гай ва Авлиб Томас жамғармаси олимлари томонидан ишлаб чиқилган. У наслдан-насла ўтайдиган 6 минггача касаллик ва муаммоларни аниқлашда шифокорларга ёрдам беради.

ОЙГА УЧИШ КЕРАКМИ?

Билишимча, космик фазога учиб жуда қimmatга тушади ва ўша маблағларни ерда одамлар ҳаётини яхшилашга сарфланса, сайёрамиз ахлининг катта қисми тўқ-фаровон яшайи мумкин экан. Айниқса ойга учиб, у ерга космик станцияларни йўллашнинг нима ҳолати бор?

Султон Абдукаримов,
Собир Раҳимов тумани.

Россия фазовий техникаси бош конструктори, "Энергия" фазовий қўмитаси президенти Юрий Семёновнинг қатъий фикрига кўра, Ой сайёрасига учиб ва у ерда саноат ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш инсоният учун жуда катта фойда келтириши мумкин экан.

— Инсоният олдида ҳозир кўплаб муаммолар — экологик, энергетик ва коммуникацияга оид муаммолар тўпланиб қолган, — дейди олим. — Фазовий амалиётларсиз уларни ҳал этишнинг иложи йўқ. Бинобарин, инсоннинг ер атрофидаги орбитада бўлиши — ҳаётини заруратдир.

Космонавт томонидан бошқариладиган ва пилотсиз (автоматик) бошқариладиган космонавтика ҳам бир-бирига қарама-қарши қўйиш керак эмас. Инсон иштирокисиз ҳар бир кичик носозлик ҳам фожиаеи келиши ва бутун мажмуани ишдан чиқариши мумкин.

Яқиндагина марсоҳоднинг сўнгги ўчиргичи ишлайми қолгани ёдингизми? Шунинг ўзиёқ ўша марсоҳодни йўқда чикарди ва миллиардлаб долларлар кўча совирилди. Агар ўша ерда одам бўлганда уни осонгина тузатган бўларди.

Бизни тўхтатмоқчи бўлишди, фазогирлар фазога учирлишдан воз кечишни таклиф этишди. Лекин бу ишлардаги кичик танлафус ҳам тиклаб бўлмайдиган йўқотишларга олиб келади: тажриба ва технологиялар қайтариб бўлмайдиган тарзда йўқотилади...

«Нерудник» очик акциядорлик жамияти жамоаси ушбу жамият Бошқаруви раиси Рауфхон Асламови Шариповга волидаи муҳтарамаси.

Турсуноя ая ШАРИПОВАнинг вафот этганини муносабат билан чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.

Абдулла Қаҳҳор таваллудининг 100 йиллигига

АДИБ ХОТИРАСИНИ ЁД ЭТИБ

БУГУНГИ КУНДА МАМЛАКАТИМИЗДА ТАНИҚЛИ АДИБ, ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ЁЗУВЧИСИ АБДУЛЛА ҚАҲҲОР ТАВАЛЛУДИНИНГ 100 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАБ ЖОЙЛАРДА ИЖОДИЙ КЕЧАЛАР, ҚИЗҒИН УЧРАШУВЛАР, ДАВРА СУҲБАТЛАРИ ЎТКАЗИЛМОҚДА.



Жумладан, Абу Райхон Бери-ний номидаги Тошкент Давлат техника университетиде адиб хотирасига бағишлаб ўтказилган ижодий учрашуво таниқли адабиётшунос олимлар — Умарали Норматов, Иброҳим Гофуров, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир

Ҳошимов, Ўзбекистон халқ шоири Жуманиёз Жабборов ҳамда таниқли кино режиссёр Учқун Назаров иштирок этдилар. Тадбирни Тошкент Давлат техника университети ректори, профессор Шорахмат Шобидов кириш сўзи билан очар экан, Президент-

тимизнинг Ўзбекистон халқ ёзувчиси Абдулла Қаҳҳор таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисидаги Қарорини мазкур университет ўқитувчи ва талабалари ҳам чуқур мамнуният билан қарши олганликларини таъкидлаб, адибнинг бой ижодий меросини ўрганиш ёшлар учун катта маънавий хазина эканлигини таъкидлаб ўтди. Шунингдек, тадбирда иштирок этган адабиётшунос олимлар, ёзувчи ва шоирлар навбат билан сўзга чиқиб Абдулла Қаҳҳор ҳақидаги ўчмас хотираларини ёдга олдилар. Адибнинг "Сароб" романи ҳақида ва "Ўтмишдан эртақлар", "Қўшчинор чироқлари" сингари бир қанча касса ва повестлари, ҳикояларида ҳаёт ҳақиқатларини моҳирона акс эттирганлигини сўзладилар.

— Абдулла Қаҳҳорнинг ибрати бизга ҳозир нимада кўринади? Абдулла Қаҳҳордан биз ўз халқига хизмат қилишни, халқини севишни, ўлмас асарлар яратиби

тақдим этишни ва ҳамиша адабиётга фидокорлик, садоқатлиликни ўрганамиш. Мана бу нарсалар Абдулла Қаҳҳор учун бир мангулик эшиги бўлиб ҳисобланади ва уни ҳамиша сиз билан биз учун яқин бир инсон, моҳир адиб сифатида таништилади. Адибнинг ёзган асарлари ниҳоятда бисирчан, ҳаяжонли ва ҳаётини тарзда тасвирлаб берилган. Бу асарлар ҳеч қачон эскирмайди, биз билан яшайди, — деди жумладан адабиётшунос олим Иброҳим Гофуров.

Шунингдек, кечада Абдулла Қаҳҳор уй-музейи директори Нодира Жалолова ҳам сўзга чиқиб, бу ёзувчининг бой кутубхонаси ҳақида тўхталиб, талабаларни Абдулла Қаҳҳор ҳаёти ва бой ижо-

дий меросини ўрганиш учун уй-музейга таклиф этди. Тадбирда университет талабалари ижросидаги дилбар куй-қўшиқлар, адиб асарларидан тайёрланган сахна кўринишлари кечага янада фойз киритди.

Дилором ИКРОМОВА
СУРАТЛАРДА: тадбирдан
лавҳалар.

Раҳмонбек Исмолов олган
суратлар

Тадбирлар

ОҒОҲЛИК — ДАВР ТАЛАБИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
БОЛАЛАР КУТУБХОНАСИДА
«ОҒОҲЛИК — ДАВР ТАЛАБИ»
МАВЗУСИДА ТАДБИР БЎЛИБ ЎТДИ.
УНИ МАЗКУР КУТУБХОНА ВА
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ
ПРОКУРАТУРАСИ ҲАМКОРЛИҚДА
ЎТКАЗДИЛАР.

—Ушбу тадбирни ўтказишдан мақсад халқимиз учун муҳим бўлган юрт тинчлигини асрашда оғоҳликка даъват этишдир. Айниқса келажакги порлоқ бўлган ёш авлод тийрак нигоҳлари билан Ватанимиз тинчлигини сақлашда доимо сергак, зийрак бўлмоқликлари лозимдир. Зеро, Ватанини севиб, уни кўз қорачигидек асраб-авайлаш ҳар бири-

мизнинг муқаддас бурчимиздир, — деди жумладан тадбирда сўзга чиққан республика Бош прокуратураси ходими Тохир Азаматов.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси «Конунчилик тарғиботи» бўлимининг бошлиғи Светлана Ортиқова ва бошқалар ёшларимизнинг таълим-тарбиясида ўқитувчиларнинг, ота-оналарнинг, маҳалла фаолларининг ва посбонларнинг роли хусусида ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Шаҳримиздаги 64-мактаб ўқувчилари ўзларининг мустакил фикрлари, тинчлик ва Ватан ҳақидаги шеър ва қўшиқлари билан тадбирнинг янада мазмунли ўтишини таъминладилар.

(Ўз муҳбиримиз)

Спорт янгилклари

ЧЕМПИОН ҒАЛАБА БОШЛАДИ

ФУТБОЛ БЎЙИЧА
ЎЗБЕКИСТОН XVI
МИЛЛИЙ
ЧЕМПИОНАТИНИНГ ОЛИЙ
ЛИГА БЕЛАШУВЛАРИ
БОШЛАНДИ.

Бу йилги чемпионатнинг эътиборли томони шундаки, унда пойтахтимиз шафари-ни илк маротаба тўртта жамоа — «Пахтакор», «Трактор», «Локомотив» ҳамда дебютант — «Қурувчи» ҳимоя қилмоқда.

Сўнгги йилларда мамлакат чемпионлиги ва кубогини ҳеч кимга бермай келаёт-

ган «Пахтакор» футболчилари бу йилги чемпионатни ҳам йирик ҳисобдаги ғалаба билан бошлади. Бекобуда «Металлург» билан куч синанган пойтахтликлар рақиб дарвозасига жавобсиз тўртта гол киритди.

Пахтакорчиларга ғалаба келтирган голлардан иккинчиси нигериялик ҳужумчи Ихеруоме Учче ҳисобига ёзилган бўлса, Сервер Желаров ва Анвар Солиев рақиб дарвозасини бир маротабадан ишғол қилди.

Чемпионлик учун курашда «Пахтакор»нинг асосий

рақиблари «Нефчи» (Фарғона) ва «Насаф» (Қарши) биринчи турда ўзаро куч синашди. Водийда ўтказилган учрашувада Юрий Саркисян шогирдлари 2:1 ҳисобида зафар қўчди.

Қолган учрашуларда қуйидаги натижалар қайд этилди: «Локомотив» (Тошкент) — «Тўпаланг» (Сариёй) — 1:0, «Андижон» (Андижон) — «Шўртан» (Ғузор) — 1:0, «Вобкент» (Вобкент) — «Қурувчи» (Тошкент) 0:1, «Трактор» (Тошкент) — «Бухоро» (Бухоро) — 1:2, «Машъал» (Муборак) — «Навбахор-Наманган» (Наманган) — 1:0, «Қизилкум» (Зарафшон) — «Самарқанд» (Самарқанд) — 2:0. Бохир БЕК

МАҲОРАТ МАКТАБИ ВАЗИФАСИНИ ЎТАДИ

РОССИЯНИНГ МОСКВА ВА
БЕЛАРУСНИНГ МИНСК
ШАҲАРЛАРИДА САМБО БЎЙИЧА
УЮШТИРИЛГАН ХАЛҚАРО
ТУРНИРЛАР ЎЗБЕКИСТОНЛИК САМБО
КУРАШИ УСТАЛАРИ УЧУН ЎЗИГА ХОС
МАҲОРАТ МАКТАБИ ВАЗИФАСИНИ
ЎТАДИ.

Москвада ўтказилган бахсларда ҳамюртимиз Шохруҳ Шукуров 82 килограмм вазн тоифасида бронза медалини қўлга кирит-

ган бўлса, Минск шаҳридаги турнирда иштирок этган Зариф Расулов ҳам ўз вазн тоифасида бронза медални билан тақдирлан-

ди. Навбатдаги жаҳон кубоги мусобақалари олдида ўзига хос саралаш турнири вази-фасини ўтаётган ушбу беллашувлар етти босқичда уюштирилади. Ана шу мурасасиз бахсларда энг яхши кўрсаткичга эришган беш спортчига яқиний босқичда қатнашиш ҳуқуқи берилади.

Ақбар ЙЎЛДОШОВ

Мунажжим башорати

БОШЛАБ ҚЎЙГАН ИШЛАРИНГИЗНИ ЯҚУНДАН

14 МАРТ, ПАЙШАНБА

Сайёраларнинг самоддаги бугунги жойлашуви ҳар хил тўлқинланишлар, безовталиқ ҳамда янгилик ва ғайри-оддийликка кучли интилишларни юзага келтиради.

Бугун ҳомилалар пайдо бўлиши учун хайрли кунлардан бири ҳисобланади. Лекин истеъдодли фарзанд туғилиши учун эр-хотин бир-бирларини севишлари ва

ҳурмат қилишлари керак.

Оймомамиз таъсири одамларни суст-кашлиқ ва ёлғизликка ундайди. Бирон-бир янги ишга қўл урмаган маъқул, яхши, олдин бошлаб қўйган ишингизни ниҳоясига етказинг.

Оркангиздан кучли шамол урилаётганлигини ҳис этишингиз, тўғри йўлдан бораётганингизни билдирувчи хайрли бел-ги ҳисобланади.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЁЪПОНЛАР

Ўзбекистон банклари Ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖ, Тошкент шаҳар Шайхонтохур тумани суд ижроичилари бўлимининг томонидан 2006 йил 2 ноябрдаги 15104/2-сонли ижро ҳужжатида асосан тақдим этилган «Дипхорижизмат» омондоронасида сақланаётган, бошлангич баҳоси 1 700 000 сўм бўлган, 1990 йилда ишлаб чиқарилган «Мерседес-Бенц-Вольф» русумли автотранспорт воситаси (двиг.№60293910000442, шасси №WDB46140117067373) очик аукцион савдоларидан олинганлигини маълум қилади. Шунингдек «Тошкент оқшом» газетасининг 2007 йил 12 февралдаги 29-сониде берилган, 2007 йил 6,15 март куни очик аукцион савдоларига қўйилиши белгиланган мулклар савдолардан олинганлиги сабабли, 2007 йил 15 март куни қайтадан қўйилмаслигини маълум қилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани, А.Хўжаев кўч. 1-уй.
тел. 138-69-94, 138-69-93.

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатта олинган.


Ҳажми — 2 босма табоқ,
офсет усулида босилган.
4398 нусхада босилди.
Қўғоз бичими А-2

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»

Ёълонлар шанба ва якшанбадан
ташқари ҳар куни соат 9.00 дан
16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 133-28-95. Факс: (3712) 133-21-56. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 208-хона.

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почта»га — 133-74-05 телефони мурожаат қилишнинг мумкин.

Газета «Тошкент оқшом»нинг компьютер марказида терилди ва сақланилган.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмохонаси.
Корхона манзили: «Буюк Тўро» кўчаси, 41-уй.



МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ

Буюртма № 206

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

Манзилимиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70; ёълонлар: 133-28-95,
136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба
ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563